

ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ТАКРОР ВА УНИНГ СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Н. Юлдашев

ТерДУ доценти

Аннотация. Мақолада Чўлпон шеъриятида такрор ва унинг бадиий матнданги синтактик хусусиятлари ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, такрорнинг анафора, энифора, поэтик параллелизм каби кўринишлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: шеър тузилиши, бадиий такрор, шеърий санъатлар, ритм, вазн, мусиқийлик, интонация, анафора, синтактик параллелизм.

Шеър тузилишида бадиий **такрорларниг** ўрни муҳимдир. Бадиий такрорлар шеърга мусиқийлик ва бадиий кўрк бағишлийди. Такрорнинг мумтоз шакли такрир деб юритилади. “Такрир “такрорлаш” маъносини ифодаловчи лафзий санъат бўлиб, шеърда у ёки бу сўзни такрор қўллашни назарда тутади. Такрорлаш воситасида сўз маъносини, унинг моҳиятини таъкидлаб кўрсатиш ушбу санъатнинг асосий хусусияти саналади”[1] Такрорлар ритмни кучайтирувчи иккиламчи унсурлар қаторига киради. “Бадиий услугуда такрорнинг вазифаси фақатгина маълум нарса-ҳодисани ёки ҳолатни ажратиб, таъкидлаб кўрсатиш билангина чегараланмайди. Бадиий асарда барча услугубий воситаларда бўлгани каби, такрорнинг зиммасига ҳам тил бирликларига эмоционал бўёқ, алоҳида оҳанг, жозиба бериш вазифаси юкландади. Агар имконият бўлса, шу вазифаларни амалга ошириш билан бир қаторда муаллифнинг ёки асар қаҳрамонининг воқеликка субъектив муносабатини ҳам бера олиши керак”[2]. Бадиий такрорлар тўрт хил кўринишида бўлади: лексик, фонетик, морфологик ва синтактик такрорлар [3]. Чўлпон шеъриятида кенг қўлланилган такрор поэтик воситаси бевосита шоир ички кечинмаларини ўқувчи қалбига қўчириб, уни қаттиқ ҳаяжонга солади, уни ўйлашга, фикр юритишга мажбур қиласади. Шоир шеъриятида лексик такрорлар сирасига кирадиган **анафора** ((юн. anaphora – олдинга, юқорига чиқариш) – сўз ёки сўзлар гурухининг мисра ёки банд бошида такрорланиши, сўз такрорининг хусусий кўриниши. Анафора маълум фикр, ҳис-туйғу, ҳолат ва ҳ.ни таъкидлаб кўрсатишга хизмат қиласади”[4]. Маълумки, такрорнинг анафора турида сўзлар мисра ёки банднинг бошида такрорланишига асосланади. Чўлпоннинг “Тарихдан” шеъридаги “Нима учун?” анафорасининг келтириши лирик қаҳрамон қалбидаги ҳис-ҳаяжонлар ифодаси билан бирга ўқувчидаги табиат ҳодисалари ортида беркитилган давр воқеаларини билишга ундейди. Зоро, шоирнинг рамзийликка асосланган шеъриятининг моҳиятида Эрк истаги ётади. Айни шеърдаги **нима учун** сўроқ олмошининг мисралар бошида айнан такрорланиб келиши анафора ҳосил қиласоқада:

Нима учун бу йўлларда ой ёғдуси кераксиз?

Нима учун тўфонларни қайнатгувчи олов йўқ?

Нима учун йўлчиларнинг юзларида «кўз» ўйнар?

Нима учун у кўчада кўзи келмас «боз» қайнар?

Нима учун шунча инсон хур ўлкада «озод» қул?

Нима учун йўлчиларга кўрсатилмас тўғри йўл? [5]

Поэтик нутқда меъёр масаласига риоя этиш бадиийликни юзага чиқаришда муайян асар қурилмасидан мустаҳкам жой олиб, маълум foявий эстетик мақсадга бўйсундирилган бадиий тақорорнинг ўрни муҳимдир. Шоирнинг риторик сўроқ билан бир вақтда **нима учун** мисралар бошида қўлланилган анафораси шеърий нутқнинг ўзига хос ритмиклигини оширган, айни вақтда шоирнинг илгор тафаккурли шахс сифатида теварак-атрофидаги номақбул нарса-ходисаларнинг сабабини излаётганини кўрсатади.

Анафора шеъриятда энг қўп қўлланилувчи поэтик фигура сифатида бадиий матннинг ўзига хос ритмиклигини таъминлайди:

Яна теграмда ўт, олов, учқун,

Яна кўкларда сор ва бургутлар;

Яна қўзғалмоқ олдида тутқун,

Яна сарҳадда «ур», «йиқит», «тут!»лар. [5.161]

Бандда мисралар бошида келтирилган **яна** тақорори шеърнинг оҳангдорлигини ошириш билан бирга ундаги таъсиранликни оширган.

Анафора шеърнинг композицион асосини белгиловчи усул сифатида ҳам фаол қўлланилади. Чўлпоннинг “Кет” шеърида **кем** анафораси шеърда бандларни белгилаш билан бирга ундаги фикр таъсиранлиги ва таъкидни кучайтириб боради:

Кет, кўзимни алдагувчи хоин нур,

Кет, оловли чизигимдан нари юр.

Кет, заарли қизғалдоқни ирғитма,

Кўнглимдаги сўнг умидим пуч этма.

Кет, илоҳий виждонимни булғама, [5.137]

Кўрамизки, шеърда **кем** сўзининг мисралар бошида тақорор келиши мазмунни янада бойитиб, шеърда ўзига хос таъсиранликни юзага келтирган. Шунингдек, ундаги етакчи хусусиятлардан бири анафора табиий равишда шеърнинг хушоҳанглигини ошириб боради:

Эҳтимол, унутмоқ сенга мумкинdir,

Эҳтимол, севмақда қароринг йўқdir;

Эҳтимол, севмаган сенинг кўнглингdir,

Эҳтимол, севгida йўлинг бузуқdir. [5.119]

Шуни айтиш керакки, анафора шеърнинг таъсиранлиги, ритми, вазни ва мусиқийлигини таъминлашга хизмат қиласиган муҳим поэтик воситадир. Чўлпон шеърларида бадиий тақорорнинг барча турларини учратиш мумкин. Анафорага тескари тақорор ҳодисаси – эпифоранинг ишлатилиши нисбатан кам кузатилади.

Боқчаларда гуллар сўлди, **сезмадим**,

Ўстирганлар етим бўлди, **сезмадим**,

Кўнгилларга қора тўлди, **сезмадим**,

Сездим сенинг кетганингни кўнгилдан... [5.85]

Ушбу тўртлиқда эпифора ҳар бир сатр якунида такрорланган **сезмадим** сўзининг кўлланилиши орқали юзага келган.

Кулган бошқалардир, йиғлаган **менман**,

Ўйнаган бошқалар, инграган **менман**.

Эрк эртакларини эшитган бошқа,

Қуллик қўшигини тинглаган **менман...** [5.75]

Мазкур мисолларда **сезмадим** ва **менман** сўzlари мисралар сўнггида такрор қўлланиб, эпифорани юзага келтирган. Шунингдек, унинг айрим шеърларида такрорнинг бир неча тури биргалиқда қўлланилади.

Кўлимда сўнгги тош қолди,

Кўнгилда сўнгги интилмак.

Кўзимда сўнгги ёш қолди,

Кучимда сўнгги талпинмак!... [5.154]

Йўлдошим, зим-зиё бўлдинг-да, **кетдинг**,

Бор эдинг, йўқолдинг, ўлдинг-да, **кетдинг**,

Гул эдинг, очилмай сўлдинг-да, **кетдинг**,

Йўқлик денгизига тўлдинг-да, **кетдинг**. [5.92]

Дастлабки парчада лексик (**сўнгги**), фонетик(**к, мак**) такрор биргалиқда қўлланилган. Кейинги шеърий сатрларда -да таъқид юкламаси фонетик, **кетдинг** ҳаракат феъли эса лексик анафорани юзага келтирган. Бундай анафораларни биргалиқда қўллаш шоир шеърларининг ғоявий мазмуни ва ритмик оҳангдорлигини, эстетик таъсирини оширишга хизмат қилган. Эпифоранинг бошқа такрор воситалар (анафора) билан бир вактда қўлланилиши шоир шеърларида фикр ифодасини таъкидлаб қўрсатиш, оҳангдорликни таъминлашга хизмат қилувчи поэтик усул сифатида кенг қўлланилган:

Эй, буқун чақмоқлар,

Чақдилар, чақдилар...

Эй, буқун тўфонлар

Оқдилар, оқдилар...

Юқоридаги парчада такрорлар билан биргалиқда синтактик паралеллизм ҳам қўлланилган. Шеър мисраларида бир хил ёки бир-бирига яқин синтактик конструкцияларнинг такрорланиб қўлланиши – синтактик паралеллизм ҳам шеърнинг оҳангдорлигини, таъсиранлигини оширувчи фигуralардан саналади. Чўлпон шеъриятида параллел образлар, уларнинг ўзаро қиёсланиши, бу қиёсларнинг поэтик матнда тенгма-тенг, кетма-кет, баъзан қарама-қарши қурилмаларда келтирилиши ёки сўзларнинг тескари тартибда жойлашиши ҳам кенг кузатилади. Айниқса, шоирнинг пейзаж лирикасида параллелизмлар етакчи тасвир воситаси саналади.

Баланду паст, катта-кичик бинолар,

Қизил, кўм-кўк, яшил томлар устида

Ола-була, қуюқ-суюқ булутлар...

Кўкни қоплаб бир томонда тўпланган!...[5.159]

Олма, ўрик, шафтолилар гуллашиб,

Майдонларда кўк майсалар кўкарсин...[5.156]

Улар учун на *манча*,

На *ўтин* бор ва на *чўг*.

На чўпчаклар айтгани

На севгили киши бир. [5.104]

Дастлабки, шеърий парчада Чўлпон баҳор фаслига хос манзараларни тасвирлаш учун *олма, ўрик, шафтоли* – меваларини бир ўринда ёнма-ён қўллаган бўлса, “Қиши кечалари” шеърида эса келтирилган ушбу парчада шоир қиши тасвирини ўқувчи кўз олдида жонли тасаввур қилиши учун *манча, ўтин, чўг* сўзларини ёнма-ён келтиради. Шеър мазумуни ҳам ўқувчига янада аниқ бўлади. Ночор турмушда яшаётган болаларнинг қисмати қишдаги совуқ зимиston каби қийин. Шоир уларга ачиниш баробарида ўз даврида халқининг турмушини параллелизм орқали ифодалайди. Умуман олганда, Чўлпон ижодида такрор ва унинг кўринишлари анафора, эпифора, товуш такрорлари, поэтик параллелизмлар каби синтактик воситалар шеърнинг ритмик интонациясини кўтариш баробарида лирик қаҳрамон қалбидаги кечаётган руҳий тўлғонишларни ифодалашда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. А. Ҳожиаҳмедов. Шеър санъатларини биласизми? Тошкент. Шарқ. 2001. Б. 20.
2. Каримов С. Бадиий услугуб ва тилнинг ифода тасвир воситалари. Самарқанд: 1994. Б. 55-56.
3. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. Тошкент: Ўзбекистон. Б. 431.
4. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик лугати. Тошкент: Академнашр, 2010. Б. 29.
5. Чўлпон. Асарлар. Тўрт жилдлик. I жилд. Тошкент. “Академнашр”. 2016. Б. 87. (Бундан кейинги мисоллар ҳам шу китобдан олинниб саҳифаси қавс ичидаги берилади)
6. Д. Quronov. Adabiyot nazariyasi asoslari. Toshkent. Akademnashr. 2018. Б. 214.